



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 20 октябр, чоршанба № 147 (794)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қадрли дўстлар!

Барчангизни фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномасини бажарганингиз - 310 минг тонналик улкан хирмон бунёд этганингиз билан чин қалбимдан таъриқлайман.

Андижонликлар деганда кўз ўнгимизда янгиликка интилувчи, замонавий технологияларни жорий этишда ташаббускор, доимо изланиб яшайдиган, бир ишга бел боғласа бутун борлиги билан киришадиган, лафзи ҳалол, танти инсонлар намоён бўлади.

Вилоят пахтакорларининг ушбу зафари мамлакатимизда кишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, деҳқонларга берилаётган эркинликлар, моддий манфаатдорлик, ҳосилдор пахта навларини танлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Сизларнинг ерга, сувга муносабатда ота-боболаримиз аъналарига содиқ ҳолда ҳар қарич ерни муқаддас билди, авайлаб-асраб келаётганингиз барча деҳқонларимиз учун ибрат бўлади.

Эришилган ғалабадан руҳланиб, она Ватан оморларига яна 30 минг тонна пахта топширишга аҳд қилганингиз ҳаммамизни қувонтирди.

Азиз дўстлар!

Эришган зафарингиз ҳар бирингизнинг рўзгорингизга кут-баракат бахш этсин. Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг. Барчангизга тинчлик, соғлиқ-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман.

Сизларга Яратганининг ўзи ҳамиша тонадор бўлинг!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз иқтисодий кудратини янада ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Андижон вилояти пахтакорлари улкан зафар кўчди. Улар 310 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб, жорий йил пахта тайёрлаш шартнома режасини республикада биринчи бўлиб бажарди.

Эрта баҳорда чигит экилган 110 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан ҳосил кўтарилди. Топширилган пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Пахта йиғим-терими қизгин давом этмоқда. Миришкорлар ўз имкониятларини чамалаб, давлатга қўшимча яна 30 минг тонна пахта топширишга қарор қилди.

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Мустақиллик йилларида Қарши шаҳри таниб бўлмас даражада чирой очди. Сабаби шаҳар ҳокимлиги турар-жой ва маданий-маиший бинолар бунёд этишга, мавжудларини замонавий, миллий услубда таъмирлашга катта эътибор қаратмоқда. Шаҳардаги театр биноси ҳам қайта таъмирланди-ю, ўзгача салобат касб этди. Бошқача қилиб айтганда, бино шаҳар ҳуснига хол бўлиб тушди. Бу ерда таъмирлаш ишларини Қарши санаят уй-жой қурилиш трести қурувчилари олиб боришди.

Суратларда: 1. Театр биноси кўриниши. 2. Шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Муроджон Шаропов участка бошлиғи Равшан Ганиев билан. 3. Қурувчи Маҳмуджон Жабборов.

Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТТ) томонидан уюштирилган «Утиш даврида иқтисодий реабилитация ва ундан кейинги тадбирлар: Институтларнинг ташкил топиши, қонун устуворлиги ва фуқаролик жамиятининг ўрни» мавзусида икки кунлик халқаро семинар бошланди. Анжуманда АКШ, Европа ва Марказий Осиё давлатларидан келган мутахассислар, шунингдек, ЕХТТнинг Марказий Осиёдаги бюrolари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этмоқда.

Ҳар бир давлат ўзига хос тараққиёт йўлига эга. Бироқ минтақавий хавфсизлик ва давлатларнинг бир-бири билан иқтисодий муноса-

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

батларида барқарор вазиятни вужудга келтириш узаро ҳамкорликда амалга ошади. Айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатларига минтақда хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда ЕХТТнинг кўмаги зарур. Мазкур анжумани ўтказишдан мақсад ЕХТТнинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ҳусусан, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда янги-ча алоқаларни кенг йўлга қўйиш хусусидаги масалаларни муҳокама этишдан иборат. Шу ўринда Ўзбекистон ЕХТТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида минтақда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида фаоллик кўрсатаётганини таъкидлаш керак. Анжуманинг айнан Тошкентда ўтказишнинг боиси ҳам шунда.

Семинар иштирокчилари икки кун давомида иқтисодий реабилитация, қонун устуворлиги, ҳуқуқий ислохотлар, молия ва савдо тизимини тақомиллаштириш, нодавлат ташкилотлар ва турли уюшмаларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш каби масалалар борасида фикр-мулоҳаза алмашди.

Жўшқин ҳаёт нафаси

Хўжаободликлар хирмони

Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани миришкорлари пахта тайёрлаш режасини бажарди. Қабул пунктлари 8 минг 100 тоннадан зиёд сифатли санаят хомашёси топширилди. Гектар бошига ўртача 28 центнердан ҳосил кўтарилди.

Пахта йиғим-терими давом этмоқда.

«Шарқнинг етти ёғдуси»

Абдулла Қодирий номлидаги халқ мейриси нашриёти Аёллар йилига бағишлаб «Шарқнинг етти ёғдуси» китобини чоп этди. Ҳуқуқчилар мазкур таърихда XVI асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача яшаб ижод этган ўзбек шоирлари - Зебунисо, Увайсий, Нодирбеғим, Махзуна, Муаззамхон, Нозима, Самарбону ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот олади. Уларнинг эл-юрт мадҳи, инсоний қадриятлар, севги-муҳаббат туйғулари ифодаланган ғазалларидан баҳраманд бўлади.

Марра эгалланди

Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани деҳқонлари 33 минг 120 тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. Уртача ҳосилдорлик 29 центнерни ташкил этди. Ҳосилдорлик асосий қисми юқори навларга топширилди. Миришкорлар режага қўшимча яна 4 минг 500 тонна пахта тайёрлашга аҳд қилди.

Туркманистон киноси кунлари

Тошкентда Туркманистон киноси кунлари бошланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмухамедов туркман киноси кунлари Туркманистон мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланганлигини қайд этди. Кино кунларида пойтахтимиз аҳли эътиборига қардош мамлакат кино усталари ижодида мансуб «Тавба», «Афсона», «Ендим» каби бадиий фильмлар ҳавола этилади.

Қиш мавсумига ҳозирлик

Бухорода Вазирлар Маҳкамаси шу йил 17 августда қабул қилган «Республика иқтисодий-ти тarmoқларини 1999-2000 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Л.Аҳметов йиғилишда сўзга чиқиб, вилоятда қиш мавсумига ҳозирлик қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани, қозонхоналар, ис-сиклик тarmoқларини таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилганини таъкидлаш билан бирга, мактаб, боғча, шифохоналар, турар жойларнинг аэли кунларда ис-сиклик билан мунтазам таъминлаш масалаларига эътиборни қаратди.

Обуна

Ўз газетангизга обуна бўлдингизми?

Нашр индексимиз: «ISHONCH» - яқка тартибда - 133, ташкилотлар учун - 134 «ISHONCH - Доверие» - яқка тартибда - 135, ташкилотлар учун - 136



Пойтахтдаги «Маҳалла зиёси» марказида Президентимиз томонидан ўтган йил қабул қилинган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга келтириш тўғрисидаги Фармоннинг ижросига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов бошқарган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар мазкур Фармон эълон қилинганидан буён ўтган вақт мо-

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

байнида уни ҳаётга табиқ этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Кўпгина маҳалла ва аҳоли истиқомат жойларида тўй, маърака ва маросимлар замон руҳида батариб ва тежамли ўтказилмоқда. Айни вақтда жойлардаги тўю томошаларда дабдабозлик, шўх-ратпарастлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва аъналарини назар-писанд қилмаслик ҳоллари ҳали ҳам кам эмас. Бу эса, шубҳасиз, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қўймоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Анжуманда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, республика «Маҳалла» жамғармаси бу борадаги ишларни хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориши зарурлигига эътибор қаратилди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

(ЎЗА)

Касаба уюшма қўмитаси томошабин бўлган жойда

Пахтакор туманидаги Амир Темур номли деҳқон фермер ҳўжалиқлари уюшмаси яқин-яқингача доврўги довои ошган жамоалардан эди.

Бугунга келиб ҳўжалик иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолди. Асосий сабаби ноу-рин ҳаражатларнинг ор-тиб кетганидир. Ҳўжалик бош иқтисодчиси Мусабек Эшонқуловнинг таъкидлашича, иш ҳақининг ўзидан маъмурият 11 миллион сўм қарадор бўлиб турибди. Бу орада ҳўжалик юриштиш шаклан ўзгарган бўлса-да, мазмунан эскилигича қоллаверди. Меҳнат қиши-санда ўз ишидан қониқиб ҳосил қилиш, иқтисодий манфаатдорлик сингари омилларга эътибор су-сайиб кетди. Таъкидлаш жоизки, қалқиб чиққан бундай муаммолар қар-шида касаба уюшма ташкилоти томошабин бў-либ турмаслиги лозим эди.

420 нафар касаба уюш-ма аъзосини ўз сафида бирлаштириб турган ҳў-жалик касабақўми юқо-ридаги масалаларга ойдин-лик киритиб, деҳқонлар

ташвишига малҳам бўлиш ўрнига ишни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Устига-устак ўн ойда касабақўм раиси икки марта алмаштирилди. Жўрий йилнинг апрелидан бошлангич ташкилот раҳ-барлигига Азамат Авазов сайланди. У бир вақтнинг ўзида қадрлар бўлимининг бош ноизи (бу вазифада у 1998 йил 4 майдан иш-лаб келмоқда) сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Энг аввало, касабақўм аниқ шў режасига эга эмас. Шундай бўлгач, ет-ти нафар аъзоси булган қў-митанинг бутунги фаоли-яти қоронғуликда пайпаслаб юрган одам ҳолатини эс-латди. Ҳўжажатларни юри-тиш аҳволи ута ачинарли. Касабақўм раиси А.Ава-

зовнинг айтишича, унинг шахсан ўзи ҳўжажатлар юритиш, ариза, шикоятлар билан ишлаш, қарорлар на-зорати юзасидан аниқ маълумот ва тасаввурга эга эмас.

Ачинарлиси шундаки, 9 июл куни бўлиб ўтган ҳи-сobot-сайлов йиғилиши ма-

ларини назоратга олиш умуман эътибордан четда қолган. Келаётган ариза ва шикоятлар рўйхатга олин-масдан тахлаб ташланавер-ган.

Ҳўш, улар тақдир би-лан ким қизиқади, ахир, ариза-шикоятлар эрмак учун ёзмайди-ку! Зеро,

МАЪМУРИЯТ ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОР...

териаллари ҳам рисолада-гидек расмийлаштирилма-ган. Ахир, мазкур ҳўжажат-эътиборсизлик ўтган ҳи-сobot давридаги касбақўм фаолиятга эътиборсизлик эмасми? Ушбу йиғилишда касабақўмининг ҳисobot дав-ридаги фаолияти таҳлил эти-либ, гадаги вазифар бел-гиллаб олинган эди-ку! Йи-ғилиш баённомасининг ҳат-то имзолаб ҳам қўйилма-ганини қандай изоҳлаш мумкин?

Юқори идоралар ва бошлангич ташкилот қарор-

инсон кўнглида гўбор, таш-виш, эътирозлар бўлмаса қўлига қалам олиш зару-рати ҳам тугилмасди. Агар касабақўм ўз аъзоларининг дардига малҳам топа ол-мас экан, бундай ташки-лотнинг фаолиятдан нима фойда?

Жамоа шартномалари ба-жарилиши тўғрисидаги ма-салалар асида ҳар олти ойда бир марта қурилиши керак. Бироқ бу муҳим тад-бир ҳам кўпича унутила-ди. Бу борада касабақўм маъмурият билан муроса-созлик йўлидан бораётгани

«Ишонч»га жавоб берадилар

«УМИД ЯНГИ РАИСДАН»

Газетамизнинг шу йил 18 сентябр сонидан чоп этилган юқоридаги сарлавхали мақолада Нарпай туманидаги «Оқ олтин» жамоа ҳўжали-ги касаба уюшма қўмитаси ўз фаолиятини суст олиб бораётгани, меҳнаткашлар манфаатла-рини ҳимоя қилиш масаласи эътибордан чет-да қолаётгани ва бошқа камчиликлар танкид остига олинган эди.

Куни кеча газетанинг ушбу чиқиши юзасидан Самарқанд вилоят Агроекономика ва қўриқ-қўриқчилик қўмитаси раиси И.Усмонов имзо чеққан жавобда қайд қилинишича, бошлангич ташкилот жамоа ҳў-жалиги бошқаруви билан ҳамкорликда галла ўриш, пахта йиғим-теримини намунали ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиққан ва уларни амалга ошир-моқда. Газета муҳбирининг ҳўжаликка ташрифи пайтида касабақўм раиси М.Абдуллаева тегишли иш ҳўжажатларини унга кўрсатолмагани тўғри. Ле-кин аслида улар мавжуд бўлган. Ҳисobot-сайлов конференцияси матни ва қарори эса кўпгина кам-чиликлардан холи эмаслигини тан олиш керак.

Мақолада кўрсатилган янги касабақўм раиси ҳў-жалик бошқаруви раисининг ўринбосари вазифа-сида ҳам ишлаётганлиги масаласида шўни айтиш жоизки, М.Абдуллаева касабақўм раҳбари этиб сайланган кўндан эътиборан иккинчи лавозимдан озод этилган.

Шунингдек, жавоб хатида маълум қилиниши-ча, мақола Нарпай туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси раёсатида ҳам атрофлича муҳокама қилинган ва камчиликларга йўл қўйгани учун ҳў-жалик касабақўми раисига оғохлантириш бе-рилган. Бундан кейинги амалга ошириладиган ишларни фаоллаштириш ҳамда камчилик-қусур-ларни тақорламаслик юзасидан тегишли чо-ра-тадбирлар белгиланган.

Мустиқликнинг илк кунлариданок мамлакатимиз Президентини янги иқтисодий тизим - бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юз бериши эҳтимол тутилган ҳар хил бўҳронлардан аҳолининг кам таъминланган ва ночор қисмини ижтимоий ҳимоялашга барқарорликнинг бирламчи шартли сифатида алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Лекин бизга яхши маълумки, ҳар қандай Фармон, Қарор ва Фармойиш у жойларда ўз ижросини топсагина, бошқача айтганда, ишласагина кўзланган мақсадга эришилади.

Оқолтин тумани Сирдарё вилоятидаги энг йirik ва ижтимоий-иқтисодий мезонларга кўра етакчи туманлардан бири. Ҳўш, мамлакатимиз сарҳадлари ичра амалга оширилаётган ислохотлар оқолтинликлар турмушига, рўзгорига ва ниҳоят уларнинг кайфиятига қандай таъсир этмоқда? Туман ҳокими Олимжон МИРХАБИБОВ бу ҳақда шундай дейди:

Ҳар бир кун бизни синовдан ўтказмоқда. Биз киммиз, қаерга бораёмиз - чархи даврон олдимишга кўяётган саволларнинг чеки-чегараси йўқ. Бу беҳиз эмас. Бой тарихимиз ва жуғрофий жойлашувимиз шунга тақозо этади. Боз устига қадимий «Буюк ипак йўли»нинг истиқлолимиз туйғайли қайта жонланаётгани ва бунинг натижаси ўларок Ўзбекистонга бўлган қизиқшининг тобора ортиб бораётганини ёдда тутмоқлик лозим. Шундайки, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё давлатларида кечяётган ислохотларнинг самарасини энг аввало юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзгуси орқали кўришни маъқул топаётимиз. Бугун бунга ҳамма тан олмақда, эътироф этмоқда.

Ҳар бир кун бизни синовдан ўтказмоқда. Биз киммиз, қаерга бораёмиз - чархи даврон олдимишга кўяётган саволларнинг чеки-чегараси йўқ. Бу беҳиз эмас. Бой тарихимиз ва жуғрофий жойлашувимиз шунга тақозо этади. Боз устига қадимий «Буюк ипак йўли»нинг истиқлолимиз туйғайли қайта жонланаётгани ва бунинг натижаси ўларок Ўзбекистонга бўлган қизиқшининг тобора ортиб бораётганини ёдда тутмоқлик лозим. Шундайки, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё давлатларида кечяётган ислохотларнинг самарасини энг аввало юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзгуси орқали кўришни маъқул топаётимиз. Бугун бунга ҳамма тан олмақда, эътироф этмоқда.

Ҳар бир кун бизни синовдан ўтказмоқда. Биз киммиз, қаерга бораёмиз - чархи даврон олдимишга кўяётган саволларнинг чеки-чегараси йўқ. Бу беҳиз эмас. Бой тарихимиз ва жуғрофий жойлашувимиз шунга тақозо этади. Боз устига қадимий «Буюк ипак йўли»нинг истиқлолимиз туйғайли қайта жонланаётгани ва бунинг натижаси ўларок Ўзбекистонга бўлган қизиқшининг тобора ортиб бораётганини ёдда тутмоқлик лозим. Шундайки, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё давлатларида кечяётган ислохотларнинг самарасини энг аввало юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзгуси орқали кўришни маъқул топаётимиз. Бугун бунга ҳамма тан олмақда, эътироф этмоқда.

Ҳар бир кун бизни синовдан ўтказмоқда. Биз киммиз, қаерга бораёмиз - чархи даврон олдимишга кўяётган саволларнинг чеки-чегараси йўқ. Бу беҳиз эмас. Бой тарихимиз ва жуғрофий жойлашувимиз шунга тақозо этади. Боз устига қадимий «Буюк ипак йўли»нинг истиқлолимиз туйғайли қайта жонланаётгани ва бунинг натижаси ўларок Ўзбекистонга бўлган қизиқшининг тобора ортиб бораётганини ёдда тутмоқлик лозим. Шундайки, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё давлатларида кечяётган ислохотларнинг самарасини энг аввало юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзгуси орқали кўришни маъқул топаётимиз. Бугун бунга ҳамма тан олмақда, эътироф этмоқда.

Ҳар бир кун бизни синовдан ўтказмоқда. Биз киммиз, қаерга бораёмиз - чархи даврон олдимишга кўяётган саволларнинг чеки-чегараси йўқ. Бу беҳиз эмас. Бой тарихимиз ва жуғрофий жойлашувимиз шунга тақозо этади. Боз устига қадимий «Буюк ипак йўли»нинг истиқлолимиз туйғайли қайта жонланаётгани ва бунинг натижаси ўларок Ўзбекистонга бўлган қизиқшининг тобора ортиб бораётганини ёдда тутмоқлик лозим. Шундайки, жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё давлатларида кечяётган ислохотларнинг самарасини энг аввало юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзгуси орқали кўришни маъқул топаётимиз. Бугун бунга ҳамма тан олмақда, эътироф этмоқда.

ни бошдан кечириётган МДХ давлатларида бугунги кунда юз бераётган бошбошдоқлик ва бунинг оқибатида юзга қалқиб чиқаётган нотинчлик шундай дейишга асос бермоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машхур беш тамойил нақадар улғувор куч эканлигини, ўтиш жараёни учун танланган йўл нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Узимиздан қиёс. Ижтимоий ҳимояга бирламчи вазифа деб қаралмоқда. Ваҳоланки, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағ озмунча эмас. Фақат кам таъминланган деб рўйхатга олинганлар учун

режалар бажарилиб кўнглимиз қанчалик таскин топган эди. Бугун эса бутун уй-фиқримиз 50 минг тонналик оқ олтин хирмонини тезроқ тиклаш билан банд. Режа 70 фоизга яқинлаб қолди. Қатор ҳўжаликлар галаба рапортига имзо чекиш тадоригида. Кўплаб фермерлар мажбурийат ҳисобига пахта топшира бошлади.

Меҳнатга яраша даромад, деганлари шу бўлса керак. «Тўқмоқ» фермер ҳўжалиги биринчи теримдаёқ 118 тонна пахта топшириб, Ваҳоланки, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган маблағ озмунча эмас. Фақат кам таъминланган деб рўйхатга олинганлар учун



Тайёргарлик қизгин

Юнусобод тумани ҳудудидаги 63-мактаб биносидан 565 - сайлов участкаси жойлашган. Бу ерда ҳам сайловларга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Чунончи, бириктирилган ўқитувчилар дарсдан кейин сайловчилар рўйхатини тузиб чиқишда ҳамда сайловга тайёргарлик ишларини поёнига етказишда астойдил ёрдам бермоқдалар. Сайлов тўғрисидаги қонунлар мажмуаси, вақтли матбуот нашрлари қи-

зиқувчилар учун муҳайё қилинган. **Суратда: Сайлов участкаси мутасадди ҳодимлари А.Абдуғафоров, З.Шайханова, Ҳ.Имомова, М.Мирсодикова ҳамда М.Орифжоновалар навбатдаги ишлар ҳусусида ўзаро фикр алмашишмоқда.**

Р.АЛЬБЕКОВ сурати.

ЮЗ ЁШЛИҚЛАР ДУОГА ҚўП ОЧИШДИ

Оқолтин туманида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти



ни олганларидаги бола-ларча қувончини бир кўрсангиз эди! Уша кунги пири бадавлатларимизга 110 минг сўмлик туҳфалар топширилди.

Ривоят қилишларича, ўзининг сара моллари билан Мағрибу Машриққа овозаси кетган бир савдогар у ёки бу мамлакатга ўз қарвонларини юборишдан аввал уша ўлгага айғоқчиларини йўллаб, мавжуд аҳвол билан обдон танишар, сўнг бир хулосага келар экан. Унинг энг катта шартини эшитганимдан бери худудан умр тилаймди. Қанинқий уша кунларни ҳам кўрсам! Ушанда қақажон эварларим «бувим уч асрни кўрганлар» деб юришарми...

Ушанда қақажон эварларим «бувим уч асрни кўрганлар» деб юришарми... Ҳозир ҳам тадбир иштирокчилари - Санамшох Саримқонова, Ойсафар Абдураимова, Момаш Умарқонова, Каромат Мансурова, Сабири Бақоилова каби 78 нафар буюжонларимизнинг юртимиз, йўлбошчимиз, ватандошларимиз шайнига қилган дуолари соясида юргандекман. Уларнинг туман хо-

«Муроса» яраштириш марказини олайлик. Ана шу марказнинг жонбозлиги тўғрисида бугунги кунда Оқолтин тумани республикада қўйди-чиқди энг кам қайд этиладиган ҳудудлардан бири бўлса ажаб эмас. Кексаларимиз оиладаги уруш-жанжалнинг биринчи сабаби етишмовчилик, деб бекорга айтмайдилар. Одамлар шў ҳақини ўз вақтида олиб турса, хонадон газ ва сув билан таъминланган, рўзгор бут бўлса, ортиқча майда-чуйда гапларга ўрин қолмайди. Туманда эса газ таъминоти 96 фоиз, сув таъминоти 97 фоизни ташкил этади. Яқин вақт ичида бу муаммо тўла ечимини топади.

Лекин ҳаёт шуниси билан жозибалики, орзу-истакларнинг ҳеч қачон поёнига етиб бўлмайди. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинлари бир ташаббус билан чиқдилар. У бизга ҳам маъқул бўлди. Эндилдикда «Ойла паспорти»ни ташкил этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мақсад: оилада неча қилши бор, кимлар ишлайди, кимлар ўқийди, кимлар нафақаҳўр, оила даромади қандай ва ҳоказо. Бу маълумотлар у ёки бу ёрдамни мувофиқлаштиришда қўл келади, албатта.

Бугун туман пахтазорларида 21 минг теримчи жонбозлик кўрсатмоқда. Шу кунгача уларга 256 миллион сўм тарқатилди. Баъзи оилалар ҳўра бек кунда 10-15 минг сўмга қадар яқинлашмоқдалар. Шунингдек, далаларда 95 та терим машинаси тинимсиз ишлатилмоқда. Уларнинг 25 таси «Кейс»лардир. Натижада кун сайин режа томон 2,5-3 фоизга қадар яқинлашиш мумкин бўлаётми. Мендан баъзан сўрашади: нега одамлар чўлга талпинишади? Фақат пул учунми?.. Албатта, бу саволга бачабоб жавоб топши қийин. Лекин, менинг биллишимча, энг аввало, чўл ҳар бир инсон учун ўзлигини мураккаб шароитда англаш, машаққатларни энгиб ўтиш кўникмасига эга бўлиш, қолаверса, ҳақиқий одамгарчилик хислатларини намоён қилиш

Ислохот мевалари

Бир пайтлари Сайидо Насафий номли (кооператив) ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги қишлоқлар эътибордан четда қолганди. Оқибатда маъмурий ва турар жой бинолари қурилиши суғасталик билан олиб борилар, мактаб ва болалар боғчалари аҳоли ночор эди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳам қўнғилдагидек эмасди.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

Республикамиз истиқлолга эришгач, ҳўжалик аҳли кўксига шамол тегибди. Дехқон, чорвадорлар ҳалол меҳнатлари эвазига фароғат кўра бошлашди. Одамларда мулкка эгаллик ҳисси орта борди. Иқтисодий ҳўналган яхшиланган қишлоқлар қиёфаси ҳам ўзгарди.

Эндилдикда Майманок, Қатаган, Оқжангал қишлоқларида бўлсангиз раван кўчалар, бири-бирдан чиройли, миллий меъморчилик андозалари асосида қурилган савдо дўконлари, чойхоналар, сураатхона-ю, бичиш-тиқиш устaxonаларини кўриб қўзингиз қувнайдми. - Фаровонликнинг асосий сабаби ҳўжалигимиз дехқонларининг меҳнати самарасидир, - дейди ҳўжалик бошқаруви раиси, «Шўхрат» медалга соҳиби Мамадулло Рашидов, - ҳар йили пиллачилик, пахтачилик, галлачилик, хўллас, барча соҳалардаги режаларни орттириб билан бажариб келишимиз. Даромадлар эса ҳалқ фаровонлигини оширишда қўл келаяпти.

Биргина шу йилнинг ўзида «олтин бошоқ» иждоқорларининг гайрати боис мавжуд 941 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб сара дон олинди.

Айни кунларда пахтазорларда ҳаёт қайнайдми. Ҳўжалик дехқонлари 1491 гектар ердан 4091 тонна чўл дурдонаси саранжомлаб олиш учун бор куч ва имкониятларидан фойдаланишмоқда. Асосий майдонларнинг оилавий ижарачиларга бўлиб берилганлиги айни мудоаб бўлди. Ким сикдикдандан меҳнат қилса, кўзланган режани уйдаласа, иқтисодий жиҳатдан аҳоли яхшилана бораётми.

Табииий, ҳўжалик ҳам оёққа турди. Одамларнинг кайфияти яхшиланди. Моддий манфаатдорлик ошган сари меҳнатга му-

носабат ўзгарди. Энди дехқонлар эркин ҳолда, кўп йиллик таҳрибаларга суяниб иш кўра бошлашди. Ҳар бир дақиқа эътиборда бўлди. Чўнтаги пул қурган қишлоқ аҳлининг боши тўйдан чиқмай қолди.

Ҳўжалигимиз ҳудудидаги уч қишлоқда 22 минг нафар аҳоли яшайди, - дейди иқтисодчи Абдурашид Ҳалилов. - Ҳар бир қишлоқ бир олам, десак янглишмаймиз. Кейинги икки-уч йил ичида илҳомий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Демак, ҳар бир иш иқтисодда бориб тақалар экан.

Ҳа, бугун ҳар бир қишлоқда дехқон бозори бор. Энди, қишлоқ ҳўжалиги ва полиз маҳсулотлари етиштириётган дехқонлар узок шаҳарларга қатнаб, ҳам вақтдан, ҳам иқтисоддан ютқазмайдилар. Шундайгина, яқиндаги бозорга олиб келинади. «Борига барак» дегани шу бўлса керак.

Майманок қишлоғини айланамиз. Бу қадимий қишлоқ шаҳарлардан асло қолишмайди. Йигирмага яқин савдо дўконлари, нонвойхона, макарон цехи, ҳаммом, ўндан ортиқ сартарошхона, шифо масканлари, этикдўзлик дўкони, тикувчилик цехлари аҳоли хизматига, «Зебо» чойхонаси, клублар доимо гавжум.

Шу йил фойдаланишга топширилган консерва цехи ҳам дехқонлар узоғини яқин қилди. Энди боғларда гарқ пишган сархил мевалар, полиз ва сазавот маҳсулотлари цехга олиб келинапти.

Биз ҳўжалиқда бўлган кунни илғорлар рўйхатини кўрсатишди. Музаффар Жумаев, Омон Шойқулов, Раҳмон Бердиев, Раҳмонқул Шойқуловлар бошқил оилавий пудратчилар режанада турсин, ҳатто қўшимча мажбурийатни ҳам бажариб қўйишди. - Илғорларни ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш учун ҳўжалик маъмурияти билан ҳамкорликда аниқ

Тахририятга хат

АРЗИМИЗНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Ҳурматли тахририят ҳодимлари! Севимли газетамиз «Ишонч»нинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутиб, қизиқиб ўқиб борамиз. Айниқса, оддий фуқаролар қалбига қулоқ тутиб, уларнинг фикрини билишда газета энг яқин кўмақчидир. Шу боис сизларга арз қилишга аҳд қилдик. Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилинган жорий йилда

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди, ханузгача улардан жавоб олмадик. Шу сабабли сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Қишлоғимиз аҳолиси кундулардан сув ичишади. Ҳозирги пайтда ер ости сувлари шўр бўлиб кетганлиги боис уни истеъмол қилиш мумкин эмас. Начо-ра, шу сувни ичишдан бошқа илоҳимиз йўқ. Бунинг устига сувсизликдан боғ ва кўчалардаги дарахт ниҳол-

лари қуриб бораёпти. Бу муаммоларни ҳал этишда бизларга ким ёрдам бера олади деб Нановий вилояти, Нурота туманидаги «Сойкечар» қишлоғи хотин-қизлари номидан:

М. ТАҒАЕВА, О. РАСУЛОВА, Ҳ. ТУРДУБЕВА, Т. ИЗОБСАРОВА, С. БУРИЕВА,... жами 27 имзо.

туманимизда ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Чунончи, Фозгон қишлоғи хонадонлари газлаштирилди. Совуқбулоқ қишлоғи билан туман маркази ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Бизнинг қишлоғимиз аёллари ҳам туман ва вилоят ҳокимликларига тоза ичимлик суви муаммоси ҳақида хат юборган эди.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

зод кўрсатиш тўғрисидаги қарори; - сиёсий партия юқори органи мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилар сессиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баёни, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади. - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси. Сиёсий партия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо арақаларини ҳам тақдим этади. Имзо арақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларнинг камида бир фоизи имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий микдорининг кўли билан саккиз фоизини тўллаши мумкин. Сайловчилар фақат бitta номзодни қўллаб-қувватлаб бир мартагина имзо қўйишга ҳақлиқдилар. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган кун ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортини серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйган санани кўрсатади. Имзо арақасини имзо тўлган шахс ўз фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб

рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек, тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўллаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўллаш қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа жойларда олиб борилмади. Имзо тўллаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва ўзига оғдириб олишининг ҳар қандай шакли қонунда белги-ланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўллаш тамомлангандан сўнг сиёсий партиянинг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикланган имзо арақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахс Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиниб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо арақаларидан имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан у кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четта қилиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг ва ҳокимият вакиллик органларининг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тўғрисида етти кун қолганда тўхтабди.

Эл саломатлиги йўлида

Халқаро Оролни кўтариш жағрамаси Нукус филиали Қорақалпоғистон Республикаси пайтахти биринчи касалхонаси қошида урология марказини ташкил этди. Исроилнинг «Дарекс» фирмасидан келтирилган энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бу шифохонада турли буйрак касалликларига қалинган беморлар даволанади. Янги марказда маҳаллий шифокорлар билан бир қаторда Тел-Авив ва Москва тиббиёт институтларининг мутахассислари ҳам иш олиб бораёпти.

Самарқанд автобуслари - хорижга

Самарқанддаги «Сам-Коч-Авто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автобусларнинг дастлабки туркуми хорижга чиқарилди. Шу вақтга қадар шаҳар атрофидаги йўналишларда Павлов заводи автобусларидан кенг фойдаланиш келаятган Россия «Узотойўл» юмшоқ автобусларининг асосий харидорларидан бирига айланди. Йил охиригача бу мамлакатга 500 дан кўпроқ шундай автобуслар етказиб берилади.

Янги автобусларга Қозғистон ва Озарбайжонда ҳам қизиқиш ортиб бораётми.

Савол: Ҳурматли тахририят! Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи ҳусусида тушунча берсангиз.

Н. ТОШБОВ, Навоий вилояти. **Жавоб:** «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 24-(2) моддасида Президентликка номзодлар кўрсатиш тартиби белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайлов кунини таъинлашдан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қир беш кун қолганда тўхтабди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органилари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари сессияларида кўрсатилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бitta номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир, ҳокимият вакиллик органи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, кўрсатишга ҳақлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партиянинг, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишнинг илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйиладиган илова қилинади: - сиёсий партия юқори органининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-

Футбол



ОТА ҚУВОНЧИ

Шокирвали ота яқин орада бунчалик қувонмаган бўлса керак. Нега ҳам қувонмасин, ахир унинг суякли набираси Иқбол Аҳмедов футбол бўйича спорт интернатлари ўртасида ўтказилган республика мусобақасида жамоадошлари - Фарғона вилояти командаси билан шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди-да!

«Ёшлигида ўзи ҳам майдонда тўп сурган ота футбол баҳслари ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Гарчанд кўпроқ набирани уйнаган учрашувлар-»

ни кўриш учун Боғдод туманидан атайлаб келган бўлсам-да, даярли барча баҳсларни томоша қилдим. Бир гапни ишонч билан айтишим мумкин: Катта

футболимиз яқин орада кўплаб иқтидорли «чарм тўп» усталари билан тўлади. Энг асосийси, истеъдодли ёш футболчиларни назардан қочирмаслик керак. Қолгани ўз-ўзидан юзага қалқиб чиқаверади. Чиндан ҳам бир неча кун мобайнида бўлиб ўтган мусобақалар спорт-интернатларида футболни ривожлантириш юзасидан анчагина

меҳнат қилинаётганлигини кўрсатди. Хусусан, футболга қизиқиш вилоятларда кучайиб бораётганлиги кутатилмоқда. Буни совринли ўринларни қўлга киритган жамоалар тартиби ҳам тасдиқлайди. Финалда Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ёш футболчилари учрашди. Қизгин кечган баҳсда водийликларнинг қўли ба-

ланд келди. Учинчи ўрин эса қашқадарёликларга насиб этди. **Суратларда: 66 ёшли футбол фахрийси Шокирвали Аҳмедов набираси Иқболни ва унинг жамоадошларини галаба билан кутламоқда. Ўнгда эса финал учрашуви.** Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Турмуш чорраҳаларида

БИР КАМ ДУНЁ

Куз. Ёз бўйи мева тугишдан чарчаган хазин бог хувиллаб қолган. Катта арик ёнидаги азим ёнбоқ дарахти эгри-бугри шохларини яширолмаб табиатнинг мунгли ҳақиқати олдида ўйчан бош эгган. «Мажнунтол» чойхонаси ёнидан ўтиб борарканман ховуз ёнидаги супада гурунглашиб ўтирган бир гурӯҳ нуронийлар эътиборимни тортди. Қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. Махалла кўй ўртасида ўз ўрни, катта обрўга эга бўлган Ҳалим бобо ёнига чорлади.

«Эрта билан сизни эслагандик мулла,- деди нуроний самимий оҳангда. - Шу денг андак маслаҳат чиқиб қолди. Унинг имоиси билан Рашид полвон сўзини давом эттирди: - Энг бообўру миришкорларимиздан бири хотинига аччиқ қилиб тугруққонага қадам босмайман дебди. Сабаби фарзандларининг туртинчиси ҳам қиз бўлибди. Илтимосимиз шуки, кўчангиздаги ўша боғбаччага етказиб қўйсангиз: сабр қилса ғўрадан холва битади. Ақли бўлса Яратганга шукр қилсин. Ахир биридан ширин қизчаларига бутун қишлоқ ҳавас қилади-я...»

Бағишларди. Шийпон ҳавас қилгудек саранжом-сарипта. Анвойи гулурайхонлар киши баҳри-диллини очади. Пахтакорлар даврани кенг олиб дилдан сўхбатлашишпти. Бахтимга бригада бошлиғи ҳам шу ерда экан. У беш-олти нафар қизалоқлар даврасида нима ҳақдадир сўхбат қурарди. - Келинг, муҳбир ука. Қизалоқларим бутун бирам мазали таом тайёрлашибдики, асти қўйверасиз. Миришкорга савол назари билан қараганимни сезди чоғи, гапида давом этди: - Худо берган олти нафар қизим бор. Умрдошим бошимиз осмонда, кўрсатганига шукр. Ховлимизга қадам ранжида қилсангиз ҳаммиса саранжом-сарипта, ёғ тушса ялағудек. Ҳаммадан ҳам қизларим онасининг хурматини жойига қўйишаётганидан хурсандман.

лари бахтли, саодатли ҳаёт кечиришаётган экан. Бирлари шифокор, ўқитувчи бирлари хизматчи, тадбиркор бўлиб эл-юрт хурматиға сазовор бўлишибди.

Бир куни Асат ака қаттиқ дардга чалинганлигини эшитиб, кўргани бордим. Файзли ҳовлидаги ранг-баранг гуллар, мевасини кўтаролмай қолган мевали дарахтлар ажиб бир манзара кашф этган. Фақат хонадон соҳибини кўриб юрагим эзилди.

- Ҳаёт қизик экан, ука, кутилмаганда омад кетиб дардга чалиндим. Билсангиз оғир дамларда қизларим кўшанот бўлишди. Шукрки, қадимни тиклаяман.

Ниҳоятда хушёр, қарашиндан нима демокчи эканлигининг сезадиган бу аjoyиб инсон бу гал ҳам мени лол қилди.

- Кўнглингиздагини сездим, икки ўғиллик бўлганмиз. Каттаси уйланган, тракторчи. Кичиги армияда. Невазаревалар йиғилишса, уйга сийма кетишади. Насиб қилса яқинда кетма-кет тўйларни бошлаб юборамиз.

Бирини кўриб фикр қиласан, бирини кўриб шукр қиласан, деганлари рост экан. Асат ака каби иродали, ҳаётдан завқлана оладиган, фақат яхшиликка интилиб яшайдиган инсонлар билан ҳамсўхбат бўлсам қувончдан энтикаман. Ширин умрни кезида ўтказиб, ҳамма нарсага бойлик, мол-дунё билан ўлчайдиган кимсалар эса оҳи-бечора бўлиб кўринади кўзимга.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИТАЛИЯ ҲАЙРАТИ

Италия футболда яна бир шов-шув! Эркаклар ҳайратларини яшира олишмайди. Футбол тарихида биринчи марта футбол жамоасига мураббий қилиб аёл киши тайинланди. Каролина Мораче Италияда шухрат қозонган спорт шарҳловчиси. Каролина футбол соҳасида ҳам анчагина тажрибага эга. У аёллар миллий терма жамоасида анча йиллар ҳужумчи бўлиб ўйнаган. Италиялик футбол мухлислари аёл кишининг мураббийлик вазифасига тайинланишини мамлакат футбол аъналарига

бўлган совуққонлик сифатида баҳолашди. Бироқ Каролина хонимнинг ўзи бунга ортикча ҳам аҳмият бермади. У мамлакат эркакларига аёл мураббийнинг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйишга жиддий ҳозирланган. Жамоа ўйинчиларининг тасдиқлашича хоним қаттиққўлликда эркак мураббийлардан асло қолишмайди. Баъзан унинг ўйинчилар билан бўлган кескин муносабатлари ҳам кузатишган. Италиялик мухлисларнинг хавотирларини нима билан тугашини вақт кўрсатади.

Сарвиғул деган қизнинг чиройи бир жаҳон эди-ю, кўнгирикдек овози эса ҳеч қандай таърифга сизмас эди. У кўшиқ айтганда гўнчалар барг ёзар, булбуллар хонишдан тўхтар, дарахтлар кўшиқ оҳангига майин тебранар, ариқдаги сувлар жўр бўларди. Сарвиғул куйлар экан, унинг бутун борлиги кўшиққа айланар, қалбидаги қувончу ташвишлари, оруз-умидлари ёшлик таровати, қизлик латофати, қайнок меҳр-муҳаббати жарангдор овози орқали одамлар юрагига қўйилиб, ажиб бир ширин тўйғу ҳосил қилар, меҳрини жўш урдирар, ларзага келтирарди.

Қизнинг овозиси етти иқлимга тарқалди... Сарвиғулнинг ётаси жоҳил одам эди. Узоқ юртда яшовчи бир савдогарга катта қалин эвазига қизини бериб юборади. Ётса ҳам, турса ҳам фақат пул, мол-дунё ҳақида ўйлайдиган, нафосат, латофат, меҳр-муҳаббат сингари инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган савдогар Сарвиғулга чўридай муносабатда бўла бошлади. Сарвиғул эса тоғлар бағрида ўсган эди. У зикна ва очкўз эрининг тор «олтин қафас»ини ёриб чиқишга уринар, бу иш қўлидан келмас-

КУЙЛОВЧИ ТУТ

воқеий ҳикоя лигини англагач, аламини йиғидан, кўшиқдан оларди. Унинг кўшиқлари энди илгаригидай шўх-шодон эмасди, юракларни симобдай эритиб, сел қилиб оқизарди. тинглаган киши ўз севгилисидан ажралиб, зўрлик билан ишқи йўқ бир «кесак»ка узатилган маъшуканинг дарду изтироблари эканлигини билиб, беихтиёр «Оҳ!» деб юборарди. Қиз кўшиқ айтар чоғда узоқ-яқиндан одамлар ёпирилиб келишар, бутун вужудлари қулоққа айланиб тинглашарди. «Кўшиқ айтишни бас қил! Ақс ҳолда каллангани оламан!» - дағдаға қилди савдогар ҳар куни атрофда тумонат одам йиғилаётганидан ор қилиб.

Сарвиғул эса кўшиқсиз яшай олмади. Унинг соғинчи ҳам, юпанчи ҳам, қувончи ва армони ҳам кўшиқ эди. Ҳамқишлоғи чўпон йигит унинг кўз олдидан кетмас, нолалари етиб борармикан деб, авж пардаларини янада баланд оларди, овози қир-адирларгача етиб бориб, аксадо берарди.

Савдогар ўз айтганини қилди: қизнинг қўшиғи тугаб, одамлар тарқалгач, уни аёвсиз калтақлади, бу билан ҳам жаҳли босилмагач, бўғизлаб жонини олди ва элдан яширинча ҳовлиси кетидаги улкан балхут дарахти тагига кўмиб қўйди...

Одамлар бу дарахтга ихлос билан дуо ўқиб яқинлашадилар, тагига ўтириб, унинг сеҳридан маст бўладилар. негаки, тутдан майин, мунгли ва одамни эзгуликка чорловчи куй эшитилиб туради. Соқоли қордек оппоқ юзлари рубоб тарларидек тарам-тарам, қадди бурчайган бир қария чўпон таёғига суянган ҳолда, шу дарахт атрофидан кетмайди... Шу дарахт Андижон вилояти Ойим қишлоғида хали ҳам бор, дейишадди кексалар. Қоқ-қуруқ танаси қолган холос. Лекин ҳамон ундан гўё нола эшитилиб тураркан.

М.АБДУКАРИМОВ.

Фойдали маслаҳатлар

Кўп юмуш қилиш натижасида қўллар дағаллашиб, қурушиб қолади. Шу сабабли уларнинг парваршига алоҳида эътибор бермоқ даркор. Қўлини ортикча совуқ сувда ювмасдан, илиқ сувда болалар учун чиқарилган махсус совун билан ювишни маслаҳат берамиз. Чўтка билан ишқалаб ювилса, яна ҳам яхши бўлади. Қўл оқариши учун бура ёки сирка солинган илиқ ванна қабул қилиш керак. Сувга қайнамаган сут ёхуд лимон кислотасини солиб ҳам ванна қилса бўлади. Яна бир нарсани эслатайлик, ҳар сафар лимон сувини қисиб ташлаётганингизда уни қўлингизга ишқалашни унутманг.

Қон айланишини яхшилаш ва тетиклик учун дам иссиқ, дам совуқ душ қабул қилишингиз керак. Баданингиз чиниқиши, ўзингизни янада бардам сезишингиз учун илиқ ванналар қабул қилишингиз мумкин, сувнинг илқиллиги 35-37 даражада бўлсин. Битта тўла ваннага 1,5 килограмм туз солинса, мақсадга мувофиқ бўлади. 2-3 ҳафта мобайнида мунтазам равишда шундай қилиб кўринг-чи. Бундай ваннани кунора қабул қилса ҳам бўлади. Ҳар сафар 10 минутдан етиш керак. Фақат уйкуга ётиш олдидан эмас. Сал олдинроқ қабул қилинг. Негаки, бу жараён одамни анча тетиклаштириб қўяди.



Шахрисаб маданият уйи ходимлари пахта йиғим-терими даврида пахтакорларга хизмат кўрсатиш юзасидан тадбирлар белгиланган. Шунга монанд тузилган гурӯҳ айни кунда деҳқонлар ҳузурда бўлиб, уларга концертлар намойиш этишмоқда. Маданият ходимлари томонидан ижро этилаётган куй ва кўшиқлар терим иштирокчиларининг кайфиятига-кайфият қўшмоқда. **Суратда: маданият уйи қатнашчилари Дамира Тошпўлатова ва Зухра Ҳайдаровалар.** Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Пўлат билан тенглашади

Мелоддан олдинги VII-VIII асрларда яшаган африкалик аёллар сочиндан тўқилган арқонларни тош отадиган машиналарнинг қайиши учун энг пишиқ материал эканлигини билишган ва ундан фойдаланишган. Нега деганда одам сочи ўта пишиқлик, эгилувчанлик каби аjoyиб физикавий хусусиятларга эга.

Соч мустаҳкамлиги ва чидамлилиқ жиҳатидан анча-мунча материаллардан устун туради, у билан фақат пўлат тенглаша олади. Йўғонлиги атиги миллиметрнинг юздан беш бўлагига келадиган соч толаси юз грамм оғирликдаги тошни бемалол кўтарар экан.

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ИШТИЁҚИ БАЛАНД

Тез кунларда спорт ишқибозлари Термиз шаҳрида бўладиган катта кураш мусобақаси - «Президент Кубоги» иккинчи халқаро аънавий турнирининг шохиди бўлишади.

Маълумки, бу йилги турнирда 20 дан ортик мамлакатнинг қирққа яқин полвонлари фақат мутлақо вазн тоифасидаги бош соврин учун курашишади. Мусобақа олдидан терма жамоамиз вакиллари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида тайёргарлик машғулотларини ўтказишди. - Бу галги баҳслар ҳам биз учун осон кеч-

мади. Лекин бу йил бош совринни кураш ватани бўлган Ўзбекистондан ташқарига чиқариб юбормасликка ҳаракат қиламиз, - деди кураш бўйича республикамиз терма жамоаси бош мураббийси Эргаш-Худоёров «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Ўтган йилги тайёргарликдан фарқи ўларок, бу йил қарийб бир ой давомида кунига уч маҳал барча таниқли

каби полвонлар машғулотлари аъло даражада ўтказиб, мусобақаларга пухта тайёргарлик қўрган. Тоштемир полвон (Жаҳон чемпиони): «Юртимизда бир йил мобайнида ўтказилаётган нуфузли мусобақада учинчи бор қатнашман. Мен 1998 йилги кураш бўйича ат-Термизий мусобақасини мутлоқ вазнда бош совриндори ҳамда биринчи жаҳон чемпиони сифатида бу йилги иккинчи халқаро турнирда жуда катта

масъулиятни ҳис этиб, халқимиз ишончини оқлашим керак. Тугилган масканим - Алпомиш юртида, Алпомиш достонининг 1000 йиллик тўйида бош совринни қўлга киритиш мен учун улкан шарафдир. Келажақда курашимиз Олимпиада сари йўл олишига ишончим қўлган. Мен ҳар бир ўзбек йигитини Алпомиш каби паҳлавон, мард, жасур бўлишни хошлайман». Баҳром Авазов, 1998 йилги ат-Термизий аънавий турнири 90 ки-

лограмм вазндаги бош совриндори, биринчи жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиб: «Мен бу турнирни XX аср охиридаги курашимиз тарихида энг катта тўй мусобақаси бўлиб қолади, деб ўйлайман. Бу мусобақада ва 2000 йилги жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришиб, халқимиз олқишига сазовор бўлиш учун бор кучимни сарфлайман». Уктам ХОЛИҚОВ, «Туркистон-пресс»

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибхона 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмулий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Соғувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Тошкентда 22.00